


Ўзбекистон сертификатланган
молия мутахассислари
уюшмаси (ACFP)



afs

Associate
Finance
Specialist

AFS малакаси бўйича қўлланма



acfp
Uzbekistan

Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan

Мундарижа

ACFP малака дастури	2
Халқаро эътироф сари биринчи қадам	3
AFS кимга ва нима учун керак.....	5
AFS тасдиқлайдиган ваколат.....	7
Ягона имтиҳон (A.FR+MA) тузилмаси	9
A.FR+MA имтиҳонига қандай тайёрланиш керак	11
Академик жиҳатдан ҳалоллик.....	12
AFS малака белгисидан фойдаланиш	13
Кейин нима бўлади	14



ACFP малака дастури

Ҳар бир бизнес муваффақиятга эришиши учун ходимлар – молия соҳасидаги профессионалларнинг ўрни жуда муҳим. Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP) билан шундай профессионалга айланинг.

ACFP малака дастури 4 та даражани қамраб олади:

- **A даражаси – AFS** (Associate Finance Specialist/Сертификатланган кичик молия мутахассиси);
- **B даражаси – CFS** (Certified Finance Specialist/Базавий даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **C даражаси – CFP** (Certified Finance Professional/Профессионал даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **D даражаси – ACFP** (Advanced Certified Finance Professional/Илғор даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **CiPNUZ** – Солиқлар ва ҳуқуқ бўйича базавий даражада сертификатланган мутахассис;
- **DiPNUz** – Солиқлар ва ҳуқуқ бўйича профессионал даражада сертификатланган мутахассис.

Малакани пастроқ даражадаги малакадан юқорироқ даражадаги малакага сари босқичма-босқич тасдиқлаш лозим.

Сизнинг касб сари йўлингиз: **AFS → CFS → CFP → ACFP**



Халқаро эътироф сари биринчи қадам




Агар сизда олий молиявий маълумот ёки профессионал малакангизнинг нуфузли расмий тасдиғи бўлмаса, AFS (Associate Finance Specialist/Сертификатланган кичик молия мутахассиси) малакасидан бошланг. Ушбу малака – молиявий мутахассисликлар асосида мужассам бўлган молиявий ва бошқарув ҳисоби бўйича малакани тасдиқлаш учун рисоладагидек бошланиш нуқтасидир.

AFS дастури – бу шунчаки иккита – A. FR +MA Молиявий ва бошқарув ҳисобига кириш ҳамда A.PA Амалий бухгалтерияга кириш имтиҳони эмас, балки:

- молиявий ва бошқарув ҳисобининг асосий тамойиллари ва концепциялари бўйича билимни ва бухгалтерияда бошланғич иш кўникмаларини тасдиқлайдиган;
- молия соҳаси мутахассиси бўлиш учун зарур базавий ва профессионал ваколатларни ўзлаштириш имкониятини берадиган малакадир.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби соҳасида бошланғич билим ва бухгалтерияда бошланғич иш кўникмаларини олиш имкониятидан фойдаланинг. Сизга AFS малакасини олиш имтиҳонларига тайёрланиш учун 5 ойдан бошлаб вақт талаб қилинади. У Ўзбекистонда микро ва кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи бошқа бухгалтерларга нисбатан каттароқ муваффақият қозониш имконини беради.



ACFPга қўшилинг ва жаҳон даражасидаги профессионал маҳорат чўққиси томон илк қадам қўйинг.



AFS кимга ва нима учун керак

Мактаб битирувчилари/фаолиятини эндигина бошлаган бухгалтерлар учун

AFS малакаси молия дунёсига эшикни очади ва бу касб сизга тўғри келиш-келмаслигини тушунишга ёрдам беради.

Бу молия-иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида фойдали бўладиган молиявий ва бошқарув ҳисобида бошланғич билимларни, шунингдек амалий бухгалтерияда бошланғич билим ва кўникмаларни олиш имконини беради.

Имтиҳонларга тайёрланиш касб ҳақида умумий тасаввур беради ва сизнинг келгуси касбингиз борасида онгли равишда қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Иқтисодий ва молиявий мутахассисликлар талабалари учун

AFS малакаси сизга бетакрор имкониятларни тақдим этади. У:

- ❖ сизнинг академик билимларингизни амалий кўникмалар билан бойитган ҳолда чуқурлаштиради;
- ❖ стажировкаларда ва келгусида ишга жойлашишда рақобат жиҳатдан афзалликни таъминлаган ҳолда, тенгдошлар орасида ажратиб туради.

Сиз олинган билимларни реал вазиятларда қўллашингиз мумкин, бу меҳнат бозорида сизнинг қадрингизни оширади ва молия соҳасида мартабангиз ўсишини жадаллаштиради.

Ҳисоб участкаси бўйича бухгалтерларга

AFS малакаси молиявий ва бошқарув ҳисобининг, шунингдек амалий бухгалтериянинг тамойиллари ва концепцияларини комплекс ўзлаштиришни таъминлаган ҳолда, тор ихтисослашув доирасидан ташқарида ўз билим ва кўникмаларингизни кенгайтириш имконини беради. Бу ҳисобнинг турли участкалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва ўз ишингизнинг корхонанинг молиявий ҳолати ва фаолиятининг натижаларига таъсирини яхшироқ тушуниш имконини беради.

AFS малакасини олиш профессионал ўсишга кўмаклашади, ташкилотлар учун қадрингизни оширади ва мартабангиз ўсиши учун янги имкониятлар очади.

Микро ва кичик бизнесдаги бош бухгалтерлар учун


Агар сизда олий молиявий маълумот ёки профессионал малакангизнинг нуфузли расмий тасдиғи бўлмаса, AFS малакаси фойдали бўлиши мумкин. У:

- ❖ сизга молиявий ва бошқарув ҳисоби бўйича билим ва кўникмаларингизни янгилаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради, бу иш жойида ваколат ва самарадорликни кучайтиради;
- ❖ уларни диплом билан тасдиқлайди, бу бош бухгалтернинг профессионал мақоми ва мартаба ўсиши учун имкониятларни яхшилаши мумкин.

Кичик бизнес раҳбарлари ва мулкдорлари учун

AFS малакасига эга бўлсангиз, молиявий ва бошқарув ҳисобининг умумий тамойиллари ва концепцияларини тушуниб оласиз. Бу сизга:

- ❖ бизнесингиз молиясини яхшироқ бошқариш ва фақат ички сезги билан эмас, балки маълумотлар асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ❖ бизнеснинг ўзида ва аутсорсда – сизга нима учун саводли молия мутахассиси кераклигини тушунишга;
- ❖ бизнесингизга хизмат кўрсатувчи молия мутахассиси фаолиятини назорат қилиш ва у билан бир тилда гаплашиш имконини беради



acfp
Uzbekistan

Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan




AFS тасдиқлайдиган ваколат

AFS малакаси молиявий касбларнинг кичик лавозимларида ишлаш учун зарур бўлган ваколатни иккита фан – молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби ҳамда амалий бухгалтерия бўйича тасдиқлайди:

Молиявий ҳисоб	Бошқарув ҳисоби
✓ савдо компаниясининг ҳар қандай намунавий ўтказмасини тузиш ✓ у қуйидаги молиявий ҳисоботларга қандай таъсир қилишини тушуниш: – молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, – фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот ва – капитал ўзгариши тўғрисида ҳисобот.	✓ бошқарув ҳисоби мақсадларида харажатларни бўлишнинг турли усулларини тушуниш ✓ ишлаб чиқариш ва харидлар бюджетларини умумлаштирилган кўринишда тайёрлаш ✓ ишлаб чиқариш харажатлари ва тушум бўйича асосий оғишларни ҳисоб-китоб ва талқин қилиш ✓ маълумотларни таҳлил қилиш учун қандай статистик кўрсаткичлардан фойдаланилишини тушунтира олиш.
Амалий бухгалтерия	
бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш ва юритиш БҲМСга асосан намунавий бухгалтерия ўтказмаларини тузиш микро ва кичик бизнес томонидан тўланадиган асосий солиқлар ҳисоб-китоби бизнес юритишнинг асосий шакллари билиш оддий операцияларни ҳисобга олиш учун 1С ва 1Uz дастурларидан фойдаланиш	

Иккита имтиҳонда (A.FR+MA ва A.PA) ушбу билим ва кўникмаларни тасдиқлаган ҳолда, сиз қуйидаги лавозимларда ишлашингиз мумкин:





A.FR+MA ягона имтиҳон тузилмаси

AFS малакасини олиш учун сиз ягона имтиҳонни (A.FR+MA) топширишингиз лозим. У қуйидаги иккита ўқув дастурига асосланганлиги боис, ягона имтиҳон дейилади:

- ❖ Молиявий ҳисобга кириш (A.FR);
- ❖ Бошқарув ҳисобига кириш (A.MA).

«Молиявий ҳисобга кириш» (A.FR) фани бўйича ўқув дастурининг мақсади – номзодларда молиявий ҳисобни ташкилотнинг капитали, активлари ва мажбуриятларининг ўзгаришини кузатиб бориш механизми сифатида тўлиқ тушунишни шакллантириш.

«Бошқарув ҳисобига кириш» (A.MA) фани бўйича ўқув дастурининг мақсади – номзодларда ташкилотда бошқарув ҳисоби асосларини тўлиқ тушунишни шакллантириш.

Ягона имтиҳонда (A.FR+MA) молиявий ва бошқарув ҳисоби бўйича топшириқларни бажариш учун сизга базавий математика кўникмалари ва Excel дастуридан фойдаланиш лаёқати керак бўлади. Сиз қуйидагилар ҳақида билиб оласиз:

- ❖ зарур математика кўникмалари ҳақида – A.FR ва A.MA ўқув дастурларининг алоҳида бўлимларидан, шунингдек «Молиячи учун математика асослари» (A.MT) қўшимча курси дастуридан;
- ❖ Excel дастуридан фойдаланишнинг талаб қилинадиган кўникмалари ҳақида – «Молиячи учун Excel асослари» (A.XL) қўшимча курси дастуридан.

A.FR+MA ягона имтиҳонига кириш шартлари



A.FR+MA имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга бўлиш учун сиз:

- ❖ умумий ўрта маълумотдан паст бўлмаган маълумотга эга бўлишингиз;
- ❖ ACFP абитуриентига – AFS малакаси талабгорига айланишингиз керак.

acfp.uz сайтида «Аъзолик» бўлимида ACFP абитуриенти сифатида рўйхатдан ўтинг. Рўйхатдан ўтгунга қадар ACFP устави, Ахлоқ ва профессионал ҳуққ кодекси ва ACFPда иштирок этиш тўғрисида низом билан танишиб чиқинг.

Эътибор беринг! Рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан дастлабки 12 ой сиз 1 БҲМ миқдорида ҳар йилги аъзолик бадалидан озод қилингансиз. Аммо, агар ушбу муддат мобайнида сиз А.FR+МА имтиҳонидан муваффақиятли ўтолмасангиз, уни кейинги 12 ойда топшириш ҳуқуқини сақлаб қолиш учун 1 БҲМ тўлаш керак бўлади.

А.FR+МА имтиҳони қандай ва қаерда ўтказилади



А.FR+МА имтиҳони компьютерда тестлар форматида ўтказилади. Имтиҳон давомийлиги – 3 соату 15 дақиқа. Имтиҳон «ёпиқ китоб билан» ўтказилади – ҳар қандай материалдан фойдаланиш тақиқланган.

Имтиҳон тестлар шаклидаги 75 та саволдан иборат – молиявий ҳисоб бўйича 37 та савол, бошқарув ҳисоби бўйича 38 та савол. Сиз берилган вариантлардан бир ёки бир нечта жавобни танлашингиз ёки бўш жойни тўлдиришингиз керак бўлади.

Ҳар бир савол бир хил вазнга эга (2 балл). Шу тариқа, имтиҳонда олиниши мумкин бўлган энг юқори натижа 150 баллни ташкил этади. Ўтиш балли – 90 балл (60%), яъни сиз 75 та саволдан 45 тасига тўғри жавоб беришингиз лозим.

А.FR+МА имтиҳони имтиҳон марказларида ўтказилади ва автоматик тарзда текширилади. Сиз имтиҳон натижалари ҳақида у ўтказилган санадан бошлаб 10 иш куни ичида acfp.uz сайтидаги шахсий кабинетда билиб оласиз.



А.FR+МА имтиҳони бир йилда 3 марта – февраль, июнь ва октябрь ойларида ўтказилади. Имтиҳонга у ўтказилишидан 15 – 90 календарь кун олдин рўйхатдан ўтиш мумкин (стандарт рўйхатдан ўтиш). Стандарт рўйхатдан ўтиш қиймати – 0,7 МҲЭKM.

Агар сиз стандарт муддатларда улгурмаган бўлсангиз, имтиҳондан 7-14 календарь кун олдин рўйхатдан ўтиш мумкин (кечроқ рўйхатдан ўтиш). Кечроқ рўйхатдан ўтиш қиймати – 1 МҲЭKM

A.FR+MA имтиҳонининг асосий хусусиятлари жадвалда келтирилади:

Малака	Имтиҳон-лар сони	A.FR+MA имтиҳони таърифи	Ўтиш балли	Давомий-лиги	Қиймати
AFS	1	тестлар шаклида биргина саволлар	60%	3 соат 15 дақиқа	0,5 МҲЭКМ

Имтиҳонларда махсус дастурий таъминот ва ускунадан фойдаланилади, улар:

- ❖ малака талабгорининг шахсини тасдиқлаш;
- ❖ тақиқланган материаллар, телефонлар, мини-камералар ва бошқа гаджетларни қўллашни истисно қилиш;
- ❖ «соф» натижаларни кафолатлаш имконини беради.

Имтиҳон марказлари Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда жойлашган.

A.FR+MA имтиҳонини муваффақиятли топширгандан сўнг, сиз acfp.uz сайтидаги шахсий кабинетда имтиҳон ўтказилган санадан бошлаб 10 иш куни ичида AFS дипломини оласиз.

A.FR+MA имтиҳонига қандай тайёрланиш керак



A.FR+MA имтиҳонига тайёрланишни танлайсиз:

- ❖ Ҳисоб ва солиқлар бўйича [ресурс марказида](#) – ёзиб олинган видеомаърузалар, ўқув қўлланмалари, мустақил тайёрланиш учун тестлар асосида мустақил равишда;
- ❖ ўқитувчилар/ўқув марказлари ёрдамида – қатнаб ёки масофадан туриб;
- ❖ ушбу шаклларни қўшиб бирга олиб бориш.

Эътибор беринг!

ACFP абитуриенти сифатида рўйхатдан ўтгандан сўнг, сиз 4 та курсда масофадан туриб бепул ўқиш ҳуқуқига эга бўласиз:

- ✓ [A.FR Молиявий ҳисобга кириш](#)
- ✓ [A.MA Бошқарув ҳисобига кириш](#)
- ✓ [A.MT Молия мутахассислари учун математика асослари](#)
- ✓ [A.XL Молиячи учун Excel асослари](#)

Ушбу курсларга бепул кириш Президентнинг «Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори (25.06.2021 й. ПҚ-5161-сон) асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ташкил этилган Ҳисоб ва солиқлар бўйича [ресурс маркази](#) томонидан тақдим этилади.

Ушбу барча курслардан ўтиш шарт эмас, сиз учун талаб қилинганини танланг. Шу боис аввал ҳар бир курс бўйича ўз билимингизни текширинг ва қайсиларидан ўтиш кераклигини аниқланг. Ўзини ўзи баҳолашдан [acfp.uz](#) сайтидаги «Ягона имтиҳон» саҳифасида ўтиш мумкин.

Ўрта мактаб битирувчилари ва бошловчи бухгалтерлар учун 4 та курснинг барчасидан қуйидаги тартибда ўтишни тавсия қиламиз:

(1) A.MT Молиячи учун математика асослари



(2) A.FR Молиявий ҳисобга кириш



(3) A.MA Бошқарув ҳисобига кириш



(4) A.XL Молиячи учун Excel асослари

Танланган таълим олиш усулига қараб имтиҳонларга тайёрланиш учун фойдали ресурслардан – ўқув-услубий қўлланмалар ва жавоблардан тажриба имтиҳон ишларидан фойдаланинг. Сиз уларни [acfp.uz](#) сайтида топасиз

A.FR+MA ягона имтиҳонини топширишга тайёрланиш давомийлиги сизнинг бошланғич билимларингиз ва ўқишга бағишланган вақтга боғлиқ бўлади. Хусусан, агар сиз ўрта мактаб битирувчиси бўлсангиз ва ўқишга ҳафтасига 10–12 соат ажратсангиз, AFS учун имтиҳонга тайёрланиш учун 4 ойгача вақт сарфланади.

Академик жиҳатдан ҳалоллик



ACFP имтиҳонларига тайёрланиш ва уларни топшириш вақтида сиздан академик жиҳатдан ҳалоллик ва фирибгарликка мурасасизликнинг энг юқори стандартларига риоя қилишингиз кутилади.

Имтиҳонларда академик жиҳатдан ҳалоллик, фирибгарликни олдини олиш ва аниқлаш қуйидагиларни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

- ❖ талабгорлар билимлари, қобилияти ва кўникмаларини адолатли баҳолашни;
- ❖ иш берувчилар, мижозлар ва жамият томонидан ACFP малакасига ишончни.

Фирибгарлик – талабгорга имтиҳон натижаларини баҳолашда адолатсиз устунлик берадиган инсофсизлик ёки рухсатсиз ёрдам беришнинг ҳар қандай шакли аниқланганда – айбдор шахс:

- ❖ агар фирибгарлик ҳолати биринчи марта аниқланган бўлса, имтиҳонлардан бир йилга четлатилади;
- ❖ агар фирибгарлик ҳолати такроран аниқланган бўлса, ACFP малакасини олиш имкониятидан умрбод четлатилиб, батамом «қора рўйхат»га киритилади.

ACFP имтиҳонларида фирибгарликни олдини олиш сиёсати билан сиз [бу ерда](#) батафсил танишишингиз мумкин.

AFS малака белгисидан фойдаланиш



Имзоингиздаги AFS бошланғич малака белгиси сизнинг профессионал даражангиз ва тажрибангизни намоиш қилади. Сиз ундан ягона имтиҳонни топширгандан сўнг фойдаланишингиз мумкин. Бу иш берувчиларга, ҳамкасбларга сиз қанчалик малакали ва қадрли мутахассис эканлигингиз ҳақида тушунча беради. Сиз резюмеда, ташриф қоғозида, материалларда ва бошқаларда фахр билан ўз малакангизни кўрсатишингиз мумкин.

Эътибор беринг!

Сиз A.FR+MA ва A.PA имтиҳонларини топширмагунга қадар имзода AFSнинг қисқартмасидан фойдалана олмайсиз. У мазкур 2 та имтиҳонни топширган ва зарур билим, қобилият ва кўникмаларни намоиш қилган ҳолда, малака бўйича диплом олганлар учун имтиёз ҳисобланади.






Associate
Finance
Specialist

Кейин нима бўлади

AFS (Associate Finance Specialist – Сертификатланган кичик молия мутахассиси) малакасини олгандан сўнг, сиз қуйидаги ҳуқуққа эга бўласиз:

- АСФРда иштирок этиш даражангизни Абитуриентдан Талабагача ошириш;
- CFS (Certified Finance Specialist – Базавий даражада сертификатланган молия мутахассиси) малакасини олиш учун базавий даражадаги имтиҳонларга кириш.



acfp
Uzbekistan

Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan